

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг
2025 йил 21 июлдаги БР-25-сон буйруғидан**

К Ў Ч И Р М А

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг коррупцияга
қарши курашиш бўйича сиёсатининг устувор йўналишларини
белгилаш ва амалиётга татбиқ этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг 419-сонли Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларини бажариш, республикада коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган давлат сиёсати мақсад ва вазифаларининг самарали ижросини таъминлаш ва дипломатик хизмат органлари фаолиятига изчиллик билан татбиқ этиш, идоравий сиёсатининг устувор вазифаларини белгилаш ва тизимлаштириш мақсадида,

Б У Ю Р А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсатининг устувор йўналишлари (кейинги ўринларда – Аксилкоррупция сиёсати) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимидаги (кейинги ўринларда – Дипломатик хизмат органлари) Аксилкоррупция сиёсатининг асосий вазифалари сифатида қайд қилинсин:

Дипломатик хизмат органлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир ички идоравий ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

Дипломатик хизмат органларида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;

Дипломатик хизмат органларининг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аҳоли ва жамоатчиликнинг Дипломатик хизмат органларининг мазкур соҳадаги фаолияти юзасидан ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти

даражасини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш;

Дипломатик хизмат органлари ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва хулқ-атвор меъёрларининг халқаро стандартларига мувофиқлигини таъминлаш;

коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;

аниқланган коррупциявий ҳолатлар сабабларини атрофлича ўрганиш орқали уларнинг келгусида қайтарилмаслиги юзасидан зарур чораларни кўриш.

3. Белгилансинки, мазкур Аксилкоррупция сиёсат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган барча таркибий бўлинмалар ва ташкилотлар фаолиятига татбиқ этилади ва бажариш учун мажбурий ҳисобланади.

4. Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис Дж.Сагдуллаев мазкур Аксилкоррупция сиёсати талабларини Ташқи ишлар вазирлиги ва бўйсунувдаги ташкилотлари иш жараёнига татбиқ этилиши ва услубий-ҳуқуқий томондан бажарилишини назорат қилиш учун масъул шахс сифатида белгилансин.

Мазкур ҳужжатда акс эттирилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Комплаенс назорати бўйича бош мутахассисга барча таркибий бўлинмалар ва ташкилотларни миллий қонунчилик талабларини бажаришга, амалий чора-тадбирларга жалб қилишга, мазкур соҳада доимий мониторинг юритишга, ишларнинг ҳисобини олиб боришга ва ижросини сўрашга етарли даражада ваколат берилсин.

5. Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис Дж.Сагдуллаев мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги амалий чораларга алоҳида эътибор қаратсин:

Аксилкоррупция сиёсатининг устувор йўналишларини амалиётга татбиқ этиш бўйича ички идоравий норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва зарур ҳужжатларни тасдиқлаш учун раҳбариятга тақдим этиш;

Вазирлик бўйсунувдаги ташкилотлари ва масъул ходимларига ҳужжатда келтирилган талабларнинг мазмун-моҳияти ва иш жараёнини мазкур буйруқ талабларига мувофиқ ташкил этиш, хизмат доирасида

вужудга келадиган муаммоларни ечиш ва ишни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли тушунтириш ва тавсиялар бериб бориш;

Вазирликнинг масъул таркибий бўлинмалари ва ташкилотларини мазкур хужжатда кўрсатилган мақсад ва вазифалар, асосий иш тамойиллари ва тушунчалари, шунингдек Дипломатик хизмат органлари фаолиятига киритилаётган қўшича қоидалар билан танишиб чиқишини таъминлаш;

тегишли бўлинмалар билан биргаликда, мазкур хужжатни расмий вэб-сайт ва ички электрон хужжатлар алмашинуви тизими базасига очик ҳолда жойлаштириш.

6. Вазирликнинг масъул таркибий бўлинмалари Аксилкоррупция сиёсати талабларини бажаришда ва Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис фаолиятига яқиндан ёрдам кўрсатиб борсин.

7. Мазкур буйруқ талабларини бажариш ва уни назорат қилиш Комплаенс назорати бўйича бош мутахассис Дж.Сагдуллаев зиммасига юклатилсин.

В а з и р

Б.Саидов

**Аслига тўғри
21.07.2025й.**

Р.Султонов

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсатининг устувор йўналишлари

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари (кейинги ўринларда – Дипломатик хизмат органлари)да ҳалоллик сиёсатини таъминлаш, ходимлар орасида ва жамиятда коррупцияга қарши курашишда муросасиз муносабатни, давлат хизматчисига мос масъулият, юксак маданият ва ҳуқ-атворни шакллантириш, шу жумладан лавозим (хизмат) мажбуриятларини бажариш чоғида дипломатик хизмат органлари ходимлари томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймасликка доир аниқ ва қатъий мақсадларни кўзлаган.

2. Сиёсат устувор йўналишларини амалга оширишда коррупцияга қарши курашиш, фаолиятда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ тартиб-қоидаларини таъминлаш соҳасидаги миллий қонунчилик, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек Ташқи ишлар вазирлигининг идоравий буйруқлари ва мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс этирилган талабларга асосланади.

3. Дипломатик хизмат органлари ўз фаолияти хусусиятларини инобатга олиб, ўзига хос коррупциявий хавф-хатар ва уларга қарши курашиш бўйича мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича ўз механизмларини ишлаб чиқади ва босқичма-босқич жорий этиб боради.

4. Қуйидагилар Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсади ҳисобланади:

Дипломатик хизмат органлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва коррупцияга қарши курашишга доир идоравий ҳужжатлар талабларини тушуниш ва уларга риоя этилиши;

Дипломатик хизмат органларида коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва коррупцияга барҳам бериш;

Дипломатик хизмат органларининг барча фаолият соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Аҳоли ва жамоатчиликнинг Дипломатик хизмат органларининг фаолияти юзасидан ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

Дипломатик хизмат органлари ходимлари фаолиятининг шаффофлиги ва хулқ-атвор меъёрларининг халқаро стандартларига мувофиқлигини таъминлаш;

коррупциявий ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳаракатларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;

аниқланган коррупциявий ҳолатлар сабабларини атрофлича ўрганиш орқали уларнинг келгусида қайтарилмаслиги юзасидан зарур чораларни кўриш.

5. Мазкур ҳужжат талаблари эгаллаб турган лавозими ва юклатилган хизмат вазифасидан қатъий назар Дипломатик хизмат органларининг барча ходимларига таалуқли ва қўйилган талаблар сўзсиз бажарилиши шарт.

6. Дипломатик хизмат органларига ишга кираётган ҳар қандай шахс мазкур ҳужжат билан имзо чеккан ҳолда таништирилиши, унинг қонун-қоидаларига биринчи иш кунидан риоя қилиши лозим.

7. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсадлари учун қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалардан фойдаланилади:

алоқадор шахслар - Дипломатик хизмат органлари ходими билан тижорат дипломатик хизмат органларининг устав капиталида иштирок этадиган шахслар, акциялари Республика фонд биржасида оммавий муомалада бўлган акциядорлик жамиятларининг беш фоизидан кам бўлган миқдордаги акцияга эга эканлиги бундан мустасно;

давлат органлари ва муассасалари – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (жумладан, вазирликлар, хизматлар, агентлик, марказлар ва б. идоралар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган юридик шахслар;

иш фаолияти юзасидан меҳмондўстлик белгилари – учинчи шахсларнинг ҳамкорлик ўрнатиш ва/ёки уни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган, Дипломатик хизмат органлари ходимларининг содиқлигини оширишга қаратилган, Дипломатик хизмат органлари ходимлари манфаатлари йўлидаги ҳаражатлари, жумладан учинчи шахсларнинг овқатланиши, иш фаолияти юзасидан тушликлар ташкил этилиши билан боғлиқ ҳаражатлари, транспорт ҳаражатлари, яшаш, кўнгилочар тадбирлар, жумладан саёҳат дастурлари билан боғлиқ ҳаражатлар ва ҳ.к.. Бунда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ давлат сиёсатини юритиш ва устувор вазифаларини бажариш мақсадида халқаро протокол, этикет нормалари ва халқаро амалиётда шаклланган расмий даражадаги икки ва кўптомонлама учрашувлар бундан мустасно;

контрагент – Дипломатик хизмат органлари билан шартномавий муносабатларга киришган (меҳнат муносабатлари бундан мустасно) ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс;

коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш;

коррупциявий хавф-хатар – Дипломатик хизмат органлари ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Дипломатик хизмат органлари номидан ёки уларнинг манфаатлари йўлида коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш хавфи;

коррупциявий ҳаракатлар – ходим томонидан бевосита ёки билвосита шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора берувчи манфаатлари йўлида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик учун моддий манфаатдор бўлиши, шу жумладан пул, қимматбаҳо қоғоз, бошқа кўринишдаги мулк ва мулкый ҳуқуқлар, мулкый ҳарактердаги хизматлар олиш, талаб қилиш, ундириш, таклиф қилиш ёки бериш, пора бериш ва/ёки олиш ёки бунда воситачилик қилишда, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш (пора олиш) ва бошқа ноқонуний мақсадларда ўз хизмат вазифаларидан ноқонуний фойдаланиш;

коррупциявий ҳуқуқбузарлик – содир этилганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгилаб қўйилган коррупция аломатларига эга ҳатти-ҳаракат;

коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси – Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашиш вазифаси юкланган таркибий тузилма;

коррупцияга қарши курашиш тизими – коррупциявий ҳаракатларнинг, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилиги ва Дипломатик хизмат органларининг коррупцияга қарши курашиш масалаларига доир идоравий ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш, ходимлар томонидан ўз фаолиятини профессионал ва ҳуқ-атвор жиҳатдан юксак даражада амалга оширилишини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар;

кронизм (фаворитизмнинг дўстона алоқаларга асосланган кўриниши) – дўстлар ёки ишончли шахсларга ноқонуний имтиёзлар тақдим этиш мақсадида ҳокимият ва/ёки обрўсидан фойдаланиш;

манфаатлар тўқнашуви — Дипломатик хизмат органлари ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар

тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият;

маҳаллийчилик – маҳаллий манфатларнигина кўзлаб иш тутиш. Бунда, шахсни унинг наслий келиб чиқиши (аслзода ёки машҳур сулола вакили эканлиги ва у жамоатчилик томонидан эътироф эътилганлиги) ҳамда яқин қариндошларининг эгаллаб турган хизмат мавқеи сабабли, унинг лавозимга қўйиладиган малака талабларига мос келиш-келмаслигини ҳисобга олмаган ҳолда ишга қабул қилиш, ротация қилиш ва лавозимга тайинлаш;

непотизм (таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик; фаворитизмнинг қариндошлик ришталарига асосланган кўриниши) - ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, Дипломатик хизмат органлари манфаатлари зарарига, яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

расмийчиликларни соддалаштириш учун тўловлар – белгиланган тартиб-таомиллар ёки ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ стандарт тартиблар амалга оширилишини таъминлаш ёки тезлаштириш мақсадида тегишли қонунчилик ва норматив меъёрлар ҳамда қоидаларда кўзда тутилмаган ноқонуний равишда тақдим этиладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, хизматлар ҳамда бошқа моддий ва номоддий фойда;

уруғ-аймоқчилик – Дипломатик хизмат органлари ходимининг авлодаждодлари бир бўлган, бир сулолага мансублик асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, имтиёзли ва ноҳолис муносабат шаклидаги шахсий манфаатдорлиги;

фаворитизм – Дипломатик хизмат органлари ходими бошқа шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига қараганда битта шахс ва/ёки шахслар гуруҳи манфаатларига устувор аҳамият қаратиши, Дипломатик хизмат органларида кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимини кўтариш, мукофот пули бериш ва давлат мукофотларига тавсия этиш, таътил бериш ёки сиҳатгоҳлар ва хорижий сафарларга юбориш, мурожаатлар, шунингдек иш ва навбатчилик жадвалларини кўриб чиқишда кетма-кетликни йўлга қўйиш билан боғлиқ вазиятларда тартибларга риоя қилмаслик.

хайрия (хайрия ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (хайрия қилувчилар)нинг Дипломатик хизмат органлари учун бепул ёки имтиёзлар асосида моддий ва/ёки номоддий бойликлар, хусусан, пул маблағлари шаклидаги бойликларни топшириш, улар учун маълум ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларидаги бошқа қўллаб-қувватлашларни тақдим этишда намоён бўладиган ихтиёрий беғараз ёрдами;

ҳомийлик (ҳомийлик ёрдами) – юридик ва жисмоний шахслар (ҳомийлар) томонидан Дипломатик хизмат органлари (ҳомийлик қилинаётган

муассасалар)га улар учун ишлар бажариб бериш, хизматлар кўрсатиш ва хайрия мақсадларида бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, мол-мулк, жумладан пул маблағлари тақдим этиш билан ифодаланадиган ёрдами ҳисобланиб, уларнинг натижасида Дипломатик хизмат органлари муассасаларида ҳомий олдидан ўзаро мажбуриятлар юзага келади;

шафелик – Дипломатик хизмат органлари ходимининг лавозими юқорироқ бўлган бошқа ходим томонидан қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклидаги ҳимояси, уни ёқлаб ёнини олиши;

дипломатик хизмат органлари - Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппарати, унинг ҳудудий бўлинмалари, бўйсунувидаги ташкилотлари ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларида хизмат вазибалари ва лавозим мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ таркибий бўлинмалар ва ташкилотлар тизими;

дипломатик хизмат органлари ходимлари – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва унинг бўйсунувидаги ташкилотлари томонидан меҳнат шартномаси, шу жумладан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ишга расмийлаштирилган дипломатик ва маъмурий-бошқарув тоифадаги ходимлар;

ротация - дипломатик хизмат органлари ходимларининг қабул қилинган қарорлар асосида таркибий бўлинмалар, бўйсунувдаги ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасалардаги штат лавозимларига тайинланиши;

яқин қариндошлар - ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари.

2-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг муҳим тамойиллари

8. Коррупцияга қарши кураш тизими қуйидаги тамойиллар асосида ташкил этилади ва фаолият юритади:

қонунийлик - Дипломатик хизмат органларидаги коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро тажриба, халқаро амалиёт, шунингдек Дипломатик хизмат органлари идоравий ҳужжатларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади;

коррупцияга нисбатан муросасизлик - Дипломатик хизмат органлари ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Дипломатик хизмат органлари ходимларига коррупциявий хавф-хатар келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади;

очиклик ва шаффофлик - Дипломатик хизмат органлари ходимлари ва контрагентлари, кенг жамоатчиликни Дипломатик хизмат органларида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилиш (давлат сири, махфийлик ва хизмат сири тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда);

коррупцияга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентив хусусиятга эга бўлиши, тизимлилиги ва яхлитлиги - коррупциянинг олдини олиш, коррупциявий ҳаракатларнинг содир этилишига хизмат қилувчи сабаб ва шарт-шароитлар ҳамда коррупциявий хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишнинг устуворлиги. Коррупцияга қарши жорий этилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мос келиши ва Дипломатик хизмат органларининг барча функциялари ва йўналишларини қамраб олган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилиши;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Дипломатик хизмат органлари ходимлари ўзининг мавқеи ва эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Дипломатик хизмат органларининг идоравий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади;

илмий-техник тараққиёт ютуқлари ва ахборот технологияларидан фойдаланиш - Дипломатик хизмат органлари коррупцияга қарши кураш тизимини шакллантиришда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот-коммуникация тизимларидан кенг фойдаланишга интилади;

тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш - Дипломатик хизмат органларининг ҳар бир ходими коррупциявий ҳаракат содир этилганлигига доир ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Дипломатик хизмат органларининг идоравий ҳужжатларида кўзда тутилган чора-тадбирларни қабул қилиш учун бевосита (ёки ташкилот) раҳбарига, Комплаенс назорати бўлинмасига ёки дипломатик хизмат органларининг биринчи раҳбарига ҳеч қандай тўсиксиз мурожаат қилиши мумкин;

давлат органлари ва жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик - Дипломатик хизмат органлари ўзига юклатилган функцияларни бажаришда очиклик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида ўзаро манфаатли тарзда ҳамкорлик қилишни ва тегишли йўналишларда амалий ишларни бажаради;

мониторинг, таҳлил ва баҳолаш - Дипломатик хизмат органлари даврий асосда коррупцияга қарши курашиш тизими фаолияти мониторинги ва таҳлилинини амалга оширади, шунингдек унинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини баҳолайди.

коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириб бориш - коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш чоралари кўрилади;

ҳуқуқий онгни юксалтириш – ходимларни коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинаётган ҳужжатлар ва киритилаётган ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилиб туриш, уларнинг билим ва кўникмаларини ошириб бориш;

иш жараёнини такомиллаштириш – иш жараёни қамраб олган барча жараёнларни атрофлича ва чуқур таҳлил қилган ҳолда унда ташкилотни замонавий усулда бошқариш, меҳнат жараёни ва ходимларнинг натижадорлигини ошириш, ишга замонавий ахборот-ресурс технологияларни жорий этиш ва инсон омилини камайтириш.

3-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари

1-§. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш

9. Дипломатик хизмат органлари ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини ҳалол ва виждонан бажариши, ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ва Дипломатик хизмат органлари тасарруфидаги мол-мулклардан шахсий манфаатдорлик йўлида фойдаланмаслиги ва манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлардан сақланиши лозим.

10. Дипломатик хизмат органлари ходимлари ишга қабул қилинаётганда, лавозими ўзгараётганда ва ротация қилинаётганда ҳар йили ва тегишли вазиятлар/шарт-шароитлар юзага келишига қараб манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигига доир ахборотни очиқлаши лозим.

11. Дипломатик хизмат органлари ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашуви ва уни тартибга солишга доир ахборотни очиқлаш жараёни Дипломатик хизмат органларида манфаатлар тўқнашувига оид масалалар ва тадбирлар алоҳида тасдиқланадиган идоравий ҳужжат билан тартибга солинади.

2-§. Иш юзасидан совғалар ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш

12. Дипломатик хизмат органлари ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариши доирасида жисмоний ва юридик шахслардан, дипломатик корпус ташкилотлари ва уларнинг вакилларида совғалар, қарз, кафолатлар, кафиллик, мукофот, моддий ёрдам, нақд пулсиз ва нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари, қимматбаҳо қоғозлар, криптовалюта, бошқа моддий қадриятлар ёки хизматлар кўринишидаги рағбат воситаларини олиш тақиқланади.

Бунда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ давлат сиёсатининг устувор вазифаларини бажариш мақсадида хорижий давлат ва ҳукуматлар билан турли даражадаги халқаро тадбирлар, халқаро протокол ва амалиёт қонун-қоидаларига мувофиқ шаклланган расмий даражадаги икки ва кўптомонлама учрашувлар, шунингдек миллий қонунчиликда назарда тутилган базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш баробари** миқдоригача бўлган совғалар бундан мустасно ҳисобланади.

Шунингдек, ходимнинг алоҳида хизматлари учун дипломатик хизмат органларининг тегишли қарорлари асосида олинган совғалар, шунингдек турли мусобақа ва танловларда эришган ютуқларни эътироф этиш, давлат байрамлари, нишонланадиган саналар ва расмий тадбирлар муносабати билан мукофотлаш ҳолатлари бундан мустасно.

13. Дипломатик хизмат органларида идоравий коррупциянинг олдини олиш мақсадида ходимлар ўртасида хизмат мажбуриятларини қабул қилиш билан боғлиқ бўлмаган ва ходим шахси билан боғлиқ деб эътироф этилган совғаларни беришда қуйидагиларга риоя қилинади:

совға олувчи учун манфаатлар тўқнашуви вазиятини келтириб чиқармаслиги ва совға берувчи олдида бирор-бир мажбуриятларни юзага келтирмаслиги лозим;

совға очик-ойдин берилади, совға берилаётгани яширилмайди;

совғани бериш чоғида совғани бериш учун сабаб бўлган воқеа-ҳодиса аниқ баён этилади;

совғанинг умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 (беш) баробаридан ошмаслиги лозим.

14. Дипломатик хизмат органлари номидан халқаро тадбирлар юзасидан (хизмат) учрашувларида совғалар бериш белгиланган тартиб-қоидалар асосида амалга оширилади ва ҳисоби молиявий-хўжалик фаолияти учун масъул бўлган таркибий бўлинмалар томонидан юритилади.

3-§. Дипломатик хизмат органлари ходимларининг иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши

15. Дипломатик хизмат органлари ходимларининг халқаро ва бошқа ташкилотлар таклифига кўра иш фаолияти юзасидан ўтказиладиган тадбирлари (ўқув курслари, кўргазмалар, семинарлар, конференциялар ва ҳ.к.)да иштирок этишига қуйидаги шартларга риоя қилган тақдирда рухсат этилади:

тадбир Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро муносабатлардаги давлат манфаатлари, миллий қонунчилиги ва Дипломатик хизмат органларининг бошқа идоравий ҳужжатларига мос келса;

тадбир Дипломатик хизмат органлари ходимлари томонидан у ёки бу қарорлар қабул қилинишига таъсир қилмаслиги, бирор-бир ноқонуний афзалликларни ёки лойиҳани (ташаббусни) қўлга киритишни кўзлаган яширин ноқонуний мукофотлаш мақсади бўлмаслиги лозим;

Тадбир бундай тадбирда иштирок этишга доир маълумотлар ошкор қилинган тақдирда Дипломатик хизмат органлари ва таклифни қабул қилувчи ёки таклиф этаётган томон мавқеи учун хатар туғдирмаслиги лозим;

Тадбир республика ва унинг вакиллари учун амалий фойда келтирмайдиган, сарф-ҳаражати қилишга арзимайдиган ҳамда кўнгилочар (ҳашаматли, қиммат, ғайриодатий) мазмундаги хусусият касб этмаслиги лозим;

Тадбир “навбатчи”, турли сиёсий ўйинлар ва республиканинг халқаро майдондаги обрў-эътиборига салбий кўрсатувчи провокатив тусга эга бўлмаслиги лозим.

16. Дипломатик хизмат органлари халқаро тадбирларнинг ташкилотчиси бўлган тақдирда миллий қонунчилик ва халқаро амалиётда назарда тутилган талабларни ҳисобга олган ҳолда уларни ўтказди ва ҳисоботини бериб боради.

4-§. Кадрлар билан боғлиқ жараёни тартибга солиш (ходимларни танлаш, лавозимини ошириш, моддий рағбатлантириш)

17. Дипломатик хизмат органлари ходимларини танлаш, аттестациядан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини баҳолаш, жумладан мукофот, устамалар ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини амалга ошириш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ҳуқуқли ва холис ҳисобланиб, мазкур Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мос келиши лозим.

18. Номзодларни Дипломатик хизмат органларига танлаш ва тайинлаш жараёни Дипломатик хизмат органларининг ишга қабул қилиш билан боғлиқ идоравий ҳужжатларига ва манфаатлар тўқнашуви масалаларини олдини олиш тартибига мувофиқ равишда ўрганиб чиқиш билан бирга амалга оширилади.

19. Дипломатик хизмат органларида ходимларнинг лавозими ўзгарганда (ошганда ёки пасайганда), раҳбар лавозимларига тайинланганда, кадрлар захирасига қўшганда ва ҳ.к.ларда номзод (ходим)ларга ҳар қандай асоссиз имтиёзлар тақдим этиши тақиқланади.

20. Бўш лавозимларга саралаб олиш эгалланаётган лавозимга қўйиладиган талабларга мувофиқ очик танлов асосида профессионал ва шахсий фазилатларига комплекс баҳо бериш усули ёрдамида амалга оширилиши лозим. Бунда номзоднинг малакаси, касбий ва илмий ютуқларига, мустақил фикрлаши, шунингдек унинг умумий дунёқараши, одоб-ахлоқи, тарбияси, муоммаласи, камтарлиги, жисмоний ва рухий соғломлигига асосий эътибор қаратилади.

21. Дипломатик хизмат органларида ходимлар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини баҳолаш тартиби ва мезонлари ишлаб чиқиши ва ходимлар унинг асосида рағбатлантирилиши лозим. Мазкур кўрсаткичлар холис, шаффоф ва Дипломатик хизмат органлари ходимлари танишиб чиқиши учун очиклиги таъминланади.

5-§. Дипломатик хизмат органлари ва уларнинг вакиллари томонидан текширувлар ва назорат тадбирларини ўтказиш

22. Турли текширувлар, ўрганишлар, мониторинг ўтказишда (кейинги ўринларда – текширув объектлари), шу жумладан идоралараро комиссияларнинг аъзоси бўлиш ва фаолиятини ташкил этиш тартибида Дипломатик хизмат органлари ходимлари:

манфаатлар тўқнашуви юзага келишига йўл қўймаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти текшируви, ўрганиши, мониторингини якка ўзи амалга оширмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объектига ташриф буюрувчилар ёки уларнинг вакиллари дипломатик хизмат органлари, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларига шахсан ташриф буюрганда улар билан ёлғиз қолмаслиги;

йўл қўйилиши мумкин бўлган қоидабузарликларни сохталаштириш мақсадида текширув, ўрганиш ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган объект ходимларини аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш ёки бошқа давлат органларига топшириш билан қўрқитмаслиги;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти ходимларига таҳдид қилмаслиги;

ҳужжатларни сўраб олиш ва текширув, ўрганиш, мониторинг мавзусига кирмайдиган масалалар билан қизиқмаслиги лозим;

текширув, ўрганиш, мониторинг давомида аниқланган ҳар бир қоидабузарликнинг қонуний ва профессионал баҳоланишини таъминлаши;

қоидабузарликларнинг видео ёки фотоқайдини амалга ошириши (ўрни келганда), Дипломатик хизмат органлари вакиллари томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимларига қоидабузарликларга оид маълумотларни киритиши;

агар текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Дипломатик хизмат органлари ходимига аниқланган қоидабузарликларни яшириш мақсадида пора ёки ҳар қандай моддий бойликлар ёки хизматлар тақдим этаётган бўлса, бу ҳақида текширув бўйича комиссия (гуруҳ) раҳбарига ва Дипломатик хизмат органларидаги коррупцияга қарши курашиш Комплаенс назорати бўлинмасига зудлик билан хабар бериши;

текширув, ўрганиш, мониторинг объекти вакиллари Дипломатик хизмат органлари ходимларининг хулқ-атвор тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлиши шарт.

23. Дипломатик хизмат органлари ва уларнинг вакиллари томонидан ўтказилган текширувлар, ўрганишлар ва мониторинг натижалари юзасидан келиб тушган эътирозларни кўриб чиқиш учун комиссия ташкил этилади.

6-§. Ваколатли давлат органлари ва контрагентлар ўзаро ҳамкорлик қилиш

24. Дипломатик хизмат органлари мазкур Сиёсат тамойиллари ва талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик нормаларига зид ҳар қандай тўловларни ёки ҳаракатларни амалга ошириш учун етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа учинчи шахсларни жалб қилмайди.

25. Дипломатик хизмат органларида объектив мезонлардан фойдаланишга асосланган етказиб берувчилар, пудратчилар ва бошқа контрагентларни танлашнинг ҳалол, очиқ ва шаффоф жараёни, шунингдек сотиб олинаётган товар ва хизматлар қийматини белгилашнинг шаффоф тартиби жорий этилиб, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Дипломатик хизмат органларининг идоравий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

26. Контрагентлар билан ўзаро ҳамкорликда Дипломатик хизмат органлари:

Дипломатик хизмат органларида контрагентларни текшириш бўйича йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ потенциал контрагентнинг ишончлилиги, жумладан у ўтмишда коррупциявий фаолиятга жалб қилинган ёки қилинмаганлиги, Дипломатик хизмат органлари ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслигини текширади;

потенциал контрагент, жумладан харид тартиб-таомиллари ҳолибини у билан шартнома матнига махсус коррупцияга қарши шартларни қўшиш орқали ўзининг коррупцияга қарши тамойил ва талаблари ҳақида хабардор қилади.

27. Дипломатик хизмат органлари икки ва кўптомонлама халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича ваколатли давлат органлари билан ҳужжатларни шаффоф ва холис кўриб чиқишни таъминлайди ҳамда зарур ҳолларда мазкур давлат органларидан турли хулосалар юзасидан қўшимча маълумотларни сўраб олади.

7-§. Хайрия ва ҳомийлик фаолиятининг шаффоф ва самарали жараёнини таъминлаш

28. Дипломатик хизмат органлари алоҳида қарорлар ва кўрсатмалар асосида хайрия ва ҳомийлик ёрдамни қабул қилиши ва жўнатиши мумкин, шу жумладан халқаро ташкилот ва хорижий ҳукуматлардан. Бундай ёрдамни олишда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, маблағларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки шартномада кўрсатилган мақсадларга самарали ва мақсадли равишда тегишли соҳаларга ва ёрдамни олувчиларга йўналтирилишини таъминлаш, шунингдек хайрия ва ҳомийлик фаолиятига доир ахборотни Дипломатик хизмат органларининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтида очиклаш бўйича барча чора-тадбирлар амалга оширилади.

29. Дипломатик хизмат органлари томонидан қабул қилинаётган ёки жўнатилаётган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами яширин мукофот тарзида

бўлмаслиги ва Дипломатик хизмат органларининг алоҳида ходимлари томонидан хайрия қилувчи ёки ҳомий, унинг яқин қариндошлари, уларга алоқадор шахслар, шунингдек хайрия қилувчи ёки ҳомийда уларга нисбатан шахсий манфаатдорлиги бўлган шахслар фойдасига қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатмаслиги лозим.

30. Дипломатик хизмат органлари томонидан хайрия ёки ҳомийлик ёрдами олишда қуйидаги талаблар бажарилиши лозим:

хайрия қилувчи ёки ҳомий билан албатта шартнома тузиш ва унда хайрия ёки ҳомийлик ёрдами олиш ва ундан фойдаланиш мақсадлари, ёрдам шакллари, ёрдамнинг пул ифодасидаги суммаси, хайрия қилувчи ёки ҳомий олдида келиб тушган ёрдамдан мақсадли фойдаланиш тўғрисида ҳисоб бериш усули белгилаб қўйилиши лозим. Бунда алоҳида қарорлар ва кўрсатмаларга мувофиқ, халқаро ташкилот ва хорижий ҳукуматлардан олинadиган хайрия ёки ҳомийлик ёрдами халқаро дипломатик амалиётда ўрнатилган тартиб қоидалар бўйича амалга оширилади;

бундай шартнома тузилаётганда унга коррупцияга қарши шартларни киритиш;

Дипломатик хизмат органларининг расмий веб-сайтида олинган хайрия ёки ҳомийлик ёрдамига доир ахборотни жойлаштириш.

8-§. Идоравий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси

31. Идоравий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларида коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш ва тегишли чоралар ишлаб чиқиш мақсадида Дипломатик хизмат органларининг юридик хизмати норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва уларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий ва коррупциявий экспертизадан ўтказди.

9-§. Дипломатик хизмат органлари фаолиятига янги технологияларни жорий этиш

32. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида Дипломатик хизмат органлари ўз функциялари ва лавозим мажбуриятларини бажаришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва инсон омилини камайтиришни фаолиятидаги муҳим ва устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

33. Давлат харидлари доирасида бюджет ташкилотлари фаолиятига доир қўйилган барча талаблар Дипломатик хизмат органларига таалукли бўлиб, электрон танлов савдолари орқали онлайн режимида жараёнда иштирок этадилар.

4-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизими элементлари

1-§. Дипломатик хизмат органлари фаолиятида коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий идоравий ҳужжатлар

34. Дипломатик хизмат органлари фаолиятининг коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш бўйича сиёсатининг устувор йўналишлари;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ходимларининг одоб-ахлоқ кодекси;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятидаги манфаатлар тўқнашувини олдини олиш тўғрисидаги Низом.

35. Дипломатик хизмат органлари юқори бўғин раҳбар ходимлари, дипломатик хизмат органлари таркибий бўлинмалари раҳбарлари ўзига бўйсунувчилар, фуқаролар ва юридик шахсларга нисбатан муносабатларда ҳалол, одил ва мустақил ҳуқ-атвор намунаси бўлиши ва шу орқали уларда коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга хизмат қилади.

36. Дипломатик хизмат органлари раҳбари ва уларнинг ўринбосарлари, шунингдек дипломатик хизмат органлари таркибий бўлинмалари раҳбарлари Дипломатик хизмат органлари фаолиятининг хавф-хатар функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши самарали чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни жорий этиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизимини барпо этиш ва амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиши ва масъулиятини кўрсатиши шарт.

2-§. Коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш

37. Дипломатик хизмат органлари ўз фаолиятига хос коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни таркибий тузилмалар хизмат вазифаларининг хусусияти, аҳоли ва жамоатчилик, хорижий давлатлар ташкилотлари ва вакиллари билан ўзаро муносабатлар, шунингдек Дипломатик хизмат органларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш услубиётига мувофиқ ташқи ва идоравий омилларни ҳисобга олган ҳолда амалда оширади.

38. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш бир йилда бир мартадан кам бўлмаган вақтда ўтказилади. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш натижалари Дипломатик хизмат органларининг раҳбари томонидан кўриб чиқилади. Аниқланган хавф-хатарларни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар Дипломатик хизмат органларининг коррупцияга қарши дастур ёки йўл хариталарида акс эттирилади.

3-§. Коррупцияга қарши курашишда масъул бўлинмаларнинг умумий фаолияти ва вазифалари

39. Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизimini шакллантириш учун алоҳида коррупцияга қарши идоравий назорат тузилмаси (Комплаенс назорати бўлинмаси) ташкил этилади.

40. Дипломатик хизмат органларида комплаенс назорати учун масъул таркибий бўлинмаси ўз фаолиятини тасдиқланган Низоми асосида амалга оширади ва бевосита ташқи ишлар вазирига бўйсунди.

41. Ташқи ишлар вазири комплаенс назорати учун масъул таркибий бўлинмани Дипломатик хизмат органлари доирасижа коррупцияга қарши вазифаларни амалга ошириш учун етарли даражадаги мустақиллик, шарт-шароит ва ресурслар билан таъминлайди.

42. Ташқи ишлар вазирлигининг Кадрлар ва таълим муассалари бошқармаси (ташкilotларнинг кадрлар хизматлари) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятидаги манфаатлар тўқнашувини олдини олиш тўғрисидаги Низом, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган тартиб ва ҳажмда ходимларнинг яқин қариндошлари ва уларга алоқадор шахсларга доир маълумотларнинг тизимли ва ўз вақтида йиғилиши, таҳлил қилиниши ва янгилаб (тўлдириб) бориши учун жавоб беради.

43. Ташқи ишлар вазининг қарори билан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси тузилади ва зиммасига юклатилган вазифаларини амалга ошириб боради.

44. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси Дипломатик хизмат органлари ходимларнинг хулқ-атвор қоидалари билан белгиланган хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиш масалаларини кўриб чиқади, шунингдек Дипломатик хизмат органларида манфаатлар тўқнашувини олдини олиш тўғрисидаги Низомда белгиланган тартибда манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ вазиятларни тартибга солиш жараёнида иштирок этади.

4-§. Дипломатик хизмат органларининг коррупцияга қарши сиёсати тўғрисида хабардорликни таъминлаш

45. Дипломатик хизмат органларининг ўз фаолиятидаги очиклик ва шаффоликни таъминлаш, коррупциявий хавф-хатарларни қисқартириш ва жамоатчилик хабардорлигини ошириш мақсадида мазкур норматив-ҳужжатдаги нормалар ва амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларга оид асосий ахборотларни расмий веб-сайтларида жойлаштиради.

46. Дипломатик хизмат органлари барча куч ва имкониятларини ходимлари ва жамоатчиликка ўз фаолиятида жорий этилган коррупцияга қарши тамойиллар, амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва талаблар тўғрисида хабар бериб боради:

Дипломатик хизмат органлари таркибий бўлинмалари билан расмий ёзишмаларда коррупцияга қарши қабул қилинган нормалар ва талабларга риоя қилиниши муҳим эканлигига доир хабарлар юбориш;

Дипломатик хизмат органлари ходимларини коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича ўқитишга доир режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича мунтазам ва тизимли равишда бир йилда камида бир марта ўқитилиши ҳамда тестдан ўтказилишини таъминлаш;

Янги ходимларни ишга қабул қилаётганда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва Дипломатик хизмат органларининг коррупцияга қарши курашишга доир бошқа идоравий ҳужжатлари билан мажбурий тартибда таништирган ҳолда, улар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тушунтиришлар бериш;

Дипломатик хизмат органларидаги коррупция хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун коррупцияга қарши ўқитишнинг махсус дастурларида ходимларни ўқитиб бориш. Ўтказилган ўқув курслари/тренингларга оид маълумотлар ва ходимлар томонидан олинган тасдиқловчи ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Дипломатик хизмат органларининг кадрлар хизматларида сақланади;

мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат қоидаларини қўллаш ёки коррупцияга қарши чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар туғилганда, Комплаенс назорати бўлинмаси томонидан Дипломатик хизмат органлари ходимларига маслаҳатлар бериш;

тасдиқланган режа асосида Комплаенс назорати бўлинмаси томонидан Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши хулқ-атвори ва муносабатни шакллантиришни фаол тарзда тарғиб қилиш;

Дипломатик хизмат органлари ходимлари меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш. Дипломатик хизмат органлари мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат кучга кирган вақтдан бошлаб Дипломатик хизмат органларининг янги ходимлари билан тузиладиган, шунингдек шартларни қайта кўриб чиқиш доирасида ходимларнинг амалдаги меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши қоидаларни киритишни назарда тутди;

Дипломатик хизмат органлари контрагентлари, ҳамкорлари, хайрия қилувчилари, ҳомийлари билан тузиладиган шартномаларга коррупцияга қарши шартларни киритиш.

5-§. Мониторинг, назорат ва ҳисобдорлик

47. Комплаенс назорати бўлинмаси Дипломатик хизмат органларида амалга оширилаётган коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг доимий мониторинги, назорати ва уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва мутаносиблигини баҳоланишини амалга оширади. Ўтказилган мониторинг натижаларига кўра Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашиш тизимини шакллантиришга доир тегишли чора-тадбирлар қабул қилинади.

48. Мониторинг ва назорат Дипломатик хизмат органлари фаолиятини ҳисобга олган ҳолда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича қабул қилинган идоравий ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

49. Коррупцияга қарши курашиш тизими мониторинги қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширилиши лозим:

Дипломатик хизмат органлари фаолияти функциялари ва ўзига хос жиҳатлари, унинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмаси ҳамда бошқа ўзгаришларнинг Дипломатик хизмат органларининг коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини таҳлил қилиш ва қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

халқаро ва хорижий ташкилотларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига доир тавсиялари мониторинги;

оммавий ахборот воситаларининг Дипломатик хизмат органлари ёки ходимлари коррупциявий ҳаракатларга жалб қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Дипломатик хизмат органлари контрагентлари ёки ҳамкорлари тўғрисида худди шундай маълумотлар мавжудлиги юзасидан мониторинг;

самарасиз назоратлар ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни такомиллаштириш ҳамда коррупцияга қарши тизим ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида Дипломатик хизмат органларининг иш жараёнлари ва функцияларини мониторинг қилиш;

Дипломатик хизмат органларининг коррупцияга қарши дастури ёки йўл харитаси бандлари бажарилишининг тўлиқлиги ва самарадорлигини мониторинг қилиш;

Дипломатик хизмат органлари ходимлари томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши талаблар ва жорий этилган тартиб-таомилларга риоя қилинишини текшириш;

Дипломатик хизмат органлари ходимларининг коррупцияга қарши асосий тамойиллар ва талаблар тўғрисида хабардорлигини текшириш;

50. Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлиги (коррупциявий хавф-хатарлар мавжуд эмаслиги) коррупцияга қарши курашиш тизимини идоравий аудитини ўтказиш, жумладан Дипломатик хизмат органларида белгиланган талаблар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини назорат қилиш орқали текширилади.

51. Коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш тадбирлари якунлари ва натижалари коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларида акс эттирилади. Ҳисоботларни шакллантириш ва тақдим этиш тартиби Дипломатик хизмат органларида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати ҳақидаги ҳисоботларини шакллантириш ва тақдим этиш бўйича идоравийидоравий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилади.

6-§. Жавобгарлик

52. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мос келиш ва Дипломатик хизмат органларининг коррупцияга қарши талаблари ва тартиб-таомилларига риоя қилиш ҳар бир ходимнинг ўз лавозим мажбуриятларини бажариш доирасидаги мажбурияти ҳисобланади. Ходимлар мазкур ҳужжат ва Дипломатик хизмат органларининг бошқа идоравий ҳужжатларида белгилаб қўйилган коррупцияга қарши курашиш масалаларига оид талаблар ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар бўлади.

53. Коррупцияга нисбатан мурасизлик (тоқатсизлик) тамойилига амал қилган ҳолда Дипломатик хизмат органларининг барча ходимларига бевосита ёки билвосита, шахсан ёки воситачилар орқали ҳар қандай коррупциявий ҳаракатларда иштирок этиш қатъиян ман этилади, яъни:

ўз мансаб ва хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш, шунингдек хизмат мавқеи ва ваколатларини суистеъмол қилиш мақсадида ҳар қандай шахслардан ноқонуний фойда талаб қилиш, сўраб олиш ёки сўраш, олишга розилик бериш ёки олиш, шунингдек ходим томонидан ўз лавозим мавқеидан Дипломатик хизмат органларининг қонуний манфаатларига зид равишда, жумладан ўзи ва учинчи шахслар учун ноқонуний фойда олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиш;

давлатнинг мансабдор шахси ёки бошқа ҳар қандай шахсга унинг ҳаракатларига таъсир ўтказиш (ҳаракатсизлигини таъминлаш) ва/ёки шахс, жумладан Дипломатик хизмат органлари манфаатлари йўлида ноқонуний афзалликларни қўлга киритиш мақсадида лавозим мажбуриятларини ноқонуний тарзда бажаришга ундаш, ноқонуний фойда (пора, порахўрлик) ни таклиф қилиш, ваъда бериш, бунга ижозат бериш, тақдим этиш;

расмийликларни соддалаштириш учун тўловлар ундириш, олиш ёки амалга ошириш;

порахўрлик ёки тижорий порага олишда воситачилик қилиш, жумладан пора олувчига ноқонуний фойдани топшириш ёки пора олувчи ёки берувчига улар ўртасида ноқонуний фойдани олиш ва бериш бўйича келишувга эришишда ёрдам бериш;

Дипломатик хизмат органлари ходимларининг коррупция белгилари мавжуд бўлган ёки уни содир этиш, жумладан манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари юзага келишига хизмат қилувчи бошқа ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги.

54. Ходимлар бевосита раҳбари ва Дипломатик хизмат органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул таркибий бўлинмаларига уларни коррупциявий ҳаракатларини содир этишга ундаш мақсадида мурожаат қилган шахслар билан боғлиқ, шунингдек уларга маълум бўлган бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатларга оид барча ҳолатлар тўғрисида хабар бериши лозим.

55. Коррупцияга нисбатан мурасасизлик тамойилини ҳисобга олган ҳолда Дипломатик хизмат органларида ходимлар томонидан коррупциявий ҳаракатлар содир этилганлигига доир ҳар бир асосли гумон бўйича идоравий ҳужжатларда кўзда тутилган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ хизмат текшируви ўтказилади.

56. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат, коррупцияга қарши қонунчилик талаблари ва/ёки Дипломатик хизмат органларининг бошқа идоравий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган коррупцияга қарши талаблар ва тартиб-таомилларни бузган Дипломатик хизмат органлари ходимлари эгаллаб турган лавозими ва стажи қатъий назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Дипломатик хизмат органларининг идоравий ҳужжатлари доирасида ва уларда кўзда тутилган асослар бўйича жавобгарликка тортилади.

57. Коррупциявий ҳаракатлар аниқланган тақдирда Комплаенс назорати таркибий тузилма манфаатдор таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни юзага келиш сабаблари ва имкониятларини таҳлил қилади ва доимий равишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштиради.

58. Идоравий текширувлар натижалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг одоб-ахлоқ комиссияси ва ташқи ишлар вазирига, ундан сўнг тегишли таркибий бўлинма фаолиятига раҳбарлик қилувчи ходимлар ва ходимнинг ўзига тақдим этилади.

59. Дипломатик хизмат органлари коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва тергов қилиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади.

5-боб. Коррупциявий ҳаракатларга доир хабарлар

60. Дипломатик хизмат органлари ходимларининг ҳаракатлари қонунийлиги ёки этикага мослиги юзасидан шубҳа, коррупциявий ҳаракатлар ёки бошқа қоидабузарликлар билан боғлиқ тахминлар ёки содир этилганлигига оид асосли гумонлар юзага келган тақдирда улар ҳақида Дипломатик хизмат органларининг махсус алоқа каналлари орқали очиқ хабар берилиши мумкин.

61. Дипломатик хизмат органлари ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарликка оид асосли ахборотни тақдим этган шахсга доир маълумотлар махфийлигини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

62. Дипломатик хизмат органлари ўз ходимлари манфаатларини ҳимоя қилади ва бошқа ходимларнинг шубҳали хулқ-атвори ёки мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилган бўлиши мумкинлиги ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимини тушириш, дискриминация, зулм ўтказиш, таъқиб қилиш сингари ўч олиш ҳаракатларига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

63. Дипломатик хизмат органларининг алоқа каналлари орқали келиб тушган барча хабарлар Дипломатик хизмат органлари масъул шахслари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва идоравий ҳужжатларга мувофиқ ўз вақтида ва ҳолисона кўриб чиқилади.

64. Дипломатик хизмат органлари ходимлари томонидан атайлаб ёлғон хабар юбориш мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларини бузиш ва этикага зид ҳулқ-атвор намунаси сифатида баҳоланади, бу ҳақида хабар берган шахс эса ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Дипломатик хизмат органларининг идоравий ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

6-боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

65. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин:

мавжуд коррупцияга қарши сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирувчи Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги қонунчилиги ўзгарганда;

самарасиз коррупцияга қарши назорат тадбирлари ва тартиб-таомиллари аниқланганда, шунингдек Дипломатик хизмат органлари фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни такомиллаштириш зарурати юзага келганда;

Дипломатик хизмат органларининг ташкилий тузилмаси ва/ёки функцияларининг ўзгарганда ва ҳ.к.